

Марокашда Халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилади



11:30 / 26.10.2019 2066

2019 йил 27 октябрдан 6 ноябргача Марокаш давлатининг Касабланка шаҳрида XVI Халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилади. Бу ҳақда Қатарнинг Sharq газетасига таяниб, iqna манбаси хабар беради.

Бу йилги мусобақа икки йўналишда бўлиб ўтади ва унда эллик беш иштирокчи қатнашади.

Биринчи йўналиш ҳифз ва тафсир йўналиши бўлиб, мусобақа иштирокчилари Қуръони каримни исталган жойидан ёддан ўқиб бериши ҳамда тафсирга оид саволга жавоб бериши талаб этилади.

Иккинчи йўналиш ҳифз йўналиши бўлиб, унда иштирокчилар Қуръони каримни ўзи истаган беш порасидан сўралган жойидан ёддан ўқиб бериши

талаб этилади.

Islom.uz портали тахририяти